

Аллоҳим, бизларни нажот топганлардан қил!

10:00 / 05.12.2019 3957

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким азон эшитганида, «Аллоҳумма робба ҳазиҳид даъватит таммаҳ вассолатил қоимаҳ, ати Муҳаммаданил васийлата валфазийлаҳ вабъасҳу мақомам маҳмуданиллазий ваъадтаҳ», деса, унга шафоатим ҳосил бўлади»,** дедилар.

Имом Бухорий ривоятлари.

Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муаззиннинг «Хаййа ъалал фалаҳ», деганини эшитсалар:

نَحْيُحُفُّمُ أَنْ لَعَجًا مُهْلَلًا

«Аллоҳуммажъална муфлиҳийн», дер эдилар».

Маъноси: Эй Аллоҳим, бизларни нажот топганлардан қил.

Ибн Сунний ривоятлари.

Абу Умома ал-Боҳилий розияллоҳу анҳудан ёки Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи саҳобаларидан ривоят қилинади:

Билол розияллоҳу анҳу иқоматда «қод қоматис солаҳ»га етганларида, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

اَمَّا اَدَاؤُ هَلَلِ اَمَّا اَقَا

«Ақомаҳаллоҳу ва адамаҳа» (Аллоҳ уни қоим қилиб ва доим қилсин), дер эдилар. Иқоматнинг бошқа лафзларида азонники каби қайтарар эдилар».

Абу Довуд ривоятлари.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан